



**Микромолия ташкилотларининг иқтисодий ривожланишидаги
аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари**

МУҲАММАДИЕВ ФАХРИДДИН САЙФИДДИН ЎҒЛИ

Аннотатсия: Ушбу мақолада Озбекистон кредит тизимидаги нобанк молия-кредит муассасалари ҳақида атрофлича баён этилган, ҳамда идарнинг фаолиятини кенгайтиришга оид таклифлар берилган.

Калит сўзлар: НМКМ, НКТ, микромолиялаштириш, ломбардлар.


Нобанк кредит ташкилотлари мамлакатда камбағаллик даражасини қисқартиришга, аҳолининг турмуш даражасини оширишга ва пировард натижада иқтисодий ўсишга ҳисса қўшишга туртки берадиган молиявий институтлардан биридир. Ушбу фикрга қўшилмайдиган иқтисодчилар ҳам талайгина топилади. Айрим иқтисодчиларнинг фикрича нобанк кредит ташкилотлари мамлакатда камбағаллик даражасини қисқартиришга қараганда ўзларининг иқтисодий самарадорлигини оширишга кўпроқ этибор беради. Бунинг натижасида эса мамлакатда камбағаллик даражаси янада ошишга олиб келади. Яъни нобанк кредит ташкилотлари кредитлари фоизи бошқа молия институтлари кредитлари фоизидан анча юқори юришини асос сифатида келтиришади.

Мамлакатимизда нобанк кредит ташкилотларининг иқтисодий ва ижтимоий самарадорлигини ошириш бугунги кунда муҳим масалалардан бири десак, адашмаган бўламиз. Нобанк кредит ташкилотлари биринчи навбатда аҳолининг ижтимоий даражасини оширишга хизмат қилса иккинчи томондан ўзларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш ҳам муҳимдир. Олдинги бобларда олиб борилган таҳлиллар натижасида нобанк кредит ташкилотлар мамлакатда ижтимоий



самарадорликни оширишдан кўра иқтисодий самарадорлигини бош мақсад қилган.

Дунё миқёсида камбағаллик даражасини пасайтириш ва аҳолининг ижтимоий фаровонлигини ошириш иқтисодчилар ва сиёсатчилар олдида турган муҳим масалалардан биридир. Варшава келишувининг бекор бўлиши билан дунё иқтисодиёти глобаллашув томонлама ҳаракат қилди. Ва бу мамлакатлар иқтисодиётини ривожлантирувчи ва аҳолини камбағалликдан чиқарувчи асосий иқтисодий модел сифатида кўрилди. Аммо охириги 15 йилда дунё иқтисодиётида кескин ўзгаришлар кузатилди. Хусусан, 2008 йилда бошланган ипотека инқирози, 2020 йилда бўлиб ўтган ва бугунги кунгача таъсирини сақлаб қолган COVID-19 пандемияси ҳамда 2022 йилда бошланган катта давлатлар ўртасидаги ҳарбий зиддиятлар дунё иқтисодиёти ўсишини секинлаштиришга, глобаллашув жараёнларининг бекор бўлиши ва иқтисодиётларнинг локаллашувига ҳамда глобал логистиканинг путур етишига олиб келди. Албатта бу юқоридаги салбий ҳолатлар дунё аҳолисининг камбағаллашувини кучайига сабаб бўлди.



3.1-расм. Камбағаллик чегарасидан пастда яшовчи дунё аҳолиси сони (млн.киши)¹

¹ <https://unstats.un.org/sdgs/report/2022/goal-01/> Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг расмий маълумоти.



Юқоридаги фикрларимиз тасдиғини ушбу расм маълумотларидан ҳам кўришимиз мумкин. 2008 йилда бошланган ипотека инқирозининг иқтисодиётга салбий таъсири 2014-2015 йилларга келиб бартараф этилди ва дунё иқтисодиёти инқироздан олдинги ҳолатга қайтди. Бунинг таъсирида дунё аҳолисининг камбағаллик даражаси пасайди. Хусусан, 2015 йилда бутун дунё бўйича 739,5 млн. киши камбағаллик чегарасидан пастда яшаш даражаси бўлган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 641,4 млн.кишига пасайган ҳамда прогнозларга кўра 2022 йилда бу кўрсаткич 581,3 млн.кишини ташкил қилиши лозим эди. Аммо 2020 йилда бошланган ковид пандемияси камбағаллар сонини ошириб юборди. Хусусан, 2020 йилда бутун дунё бўйича камбағаллар 713,8 млн.кишига ҳамда 2021 йилда 684,2 млн.кишига оширган. Қисқа қилиб айтганда ковид пандемияси дунё аҳолисининг 70 млн.кишисини камбағаллик чегарасидан пастга туширган.

Ковид пандемияси таъсирида қилинган прогнозларга кўра 2022 йилда дунё аҳолисининг 656,7 млн.кишининг турмуш даражаси камбағаллик чегарасидан пастда бўлиши керак эди. Аммо 2022 йилда бошланган катта давлатлар ўртасидаги сиёсий ва ҳарбий зиддиятлар дунё аҳолисининг камбағаллашувига сабаб бўлди. Хусусан, 2022 йилда прогнозларга кўра дунё аҳолисидан 676,5 млн.кишиси камбағалликда яшашга мажбур бўлмоқда, яъни айнан ушбу зиддиятлар дунё аҳолисидан 20 млн.кишини камбағаллаштирган.

Manba va foydalanilgan adabiyotlar:

1. “Pul va banklar” - O‘quv qo‘llanma / Sh.Z. Abdullayeva; - T.: “Iqtisod-Moliya”, 2018. - 539b.
2. O‘RQ-765 son. “Nobank kredit tashkilotlari va mikromoliyalashtirish faoliyati to‘g‘risida”gi qonun 3, 4, 6, 17-moddalar.
3. www.cbu.uz - O‘zbekiston Respublikasi Markaziy bankining rasmiy sahifasi ma’lumotlari.